

## ҚОРАҚАЛПОҚ, ТУРКМАН ВА ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА МЎЪЖИЗАВИЙ ОБРАЗНИНГ ОИЛАВИЙ-МАИШИЙ ВАЗИФАЛАРИ

**Жаумитбаева Перийзат Караматдиновна**

**Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар**

**институти ассистент ўқитувчиси**

**[perizatjaumitbaeva@gmail.com](mailto:perizatjaumitbaeva@gmail.com)**

**Orcid.0009-0008-6069-3984**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.22040275>**

Халқ эртакларида ғайриоддийлик доимо дев, аждар ёки пари каби тайёр мифологик персонажлар орқали ифодаланмайди. Айрим сюжетларда оддий буюм, қўғирчоқ ёки ҳатто ҳайвон танасининг бир қисмига жон киради. Бошқа эртакларда эса уйда яшовчи афсонавий руҳ инсонларнинг кундалик меҳнатига аралашади.

Бундай образларнинг табиатини англаш учун уларнинг нимадан пайдо бўлганини қайд этишнинг ўзи етарли эмас. Жонланган нарсанинг оиладаги ўрни, меҳнатга муносабати, моддий етишмовчиликни қандай бартараф этиши ва инсонлар олаmidан ажралиши ҳам ўрганилиши керак.

Мақолада «жонланган буюм» тушунчаси оддий жонсиз нарсанинг тил, ҳаракат ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши маъносида қўлланди. Таҳлилнинг мақсади қорақалпоқ, туркман ва инглиз эртакларидаги ушбу образларнинг оила, меҳнат ва моддий фаровонлик билан боғлиқ вазифаларини аниқлашдан иборат.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Қуйрық» эртагида фарзандсиз кампирнинг уйида осиглиқ турган эчки думига жон киради:

«Керегеде илдирилиўли турған Қуйрық, Алладан болып буйрық, оған жан енип, кемпирге:

— Шеше, шеше! Жарманы мен-ақ апарып қайтайын, — дегенде...» [1, 397-б.].

Қуйрықнинг тирилиши кампирнинг амалий эҳтиёжи билан боғланган. У чўпон ўғлига овқат олиб борувчи фарзанд ёки кўмакчи йўқлигидан афсусланади. Шу пайтда жонланган Қуйрық унинг юмушини ўз зиммасига олади. Демак, мўъжизавий образнинг пайдо бўлиши сюжет бошидаги етишмовчиликка бевосита жавобдир.

Қуйрық фақат топшириқни бажарувчи восита бўлиб қолмайди. У мустақил ҳаракат қилиб, ўз саргузаштини бошлайди. Шу сабабли образда ёрдамчи ва бош қаҳрамон вазифалари бирлашади.

Қуйрықнинг ташқи кичиклиги билан ички қудрати ўртасидаги фарқ эртакнинг ғаройиб ва кулгили руҳини белгилайди. Дарёдан ўтишга ёрдам берилмаганда у «Тарт қуйрығым» деб, бутун сувни ўзига тортиб олади. Қаҳрамоннинг жисмоний ҳажми реал ўлчовга бўйсунмайди: оддий дум ичига дарё суви, кейинчалик ҳайвонлар ҳам сиғиши мумкин [1, 397-б.].

Бу усулни воқеликнинг атайин катталаштирилиши деб тушуниш мумкин. Эртак тингловчини бу воқеанинг табиий жиҳатдан мумкинлигига ишонтиришга уринмайди. У кичкина ва арзимас кўринган нарсанинг катта кучларга қарши тура олишини бадий жиҳатдан кўрсатади.

Тулки, бўри ва йўлбарснинг Қуйрыққа қўшилиши воқеаларни босқичма-босқич кучайтиради. Бой хонадонда тулки қўйларга, бўри йилқиларга, йўлбарс туяларга

хужум қилади. Ҳайвонларнинг ҳар бири ўз табиатига мос вазифани бажаради. Бироқ уларни ягона мақсад атрофида жамлаган куч Қуйрықдир.

Бой қаҳрамонни ўтда ёқмоқчи бўлганда, Қуйрық ўзига тортган дарё сувини чиқариб, унинг уйини сувга бостиради. Шунда бой:

«Суўёңды қуртсаң, бир ўй толы алтын бермен», —

деб ёлворади [1, 398-б.]. Қуйрық бойдан олинган олтинни кампирга олиб келади. Эртаси бошидаги муҳтож хонадон охирида фаровонликка эришади.

Мазкур сюжетда мўъжиза ижтимоий мазмун касб этади. Қуйрық бойликни ишлаб чиқармайди; у ҳаддан ортиқ мол-дунёга эга бойдан уни олиб, камбағал кампир хонадонига келтиради. Шу тариқа жонланган нарса мавжуд ижтимоий номутаносибликни кулгили ва фантастик усул билан ўзгартиради.

Туркман фольклорида «Gurjak gyz» эртагида фарзандсиз чол далада жонли қизга ўхшаш қўғирчоқ топади. Қўғирчоқ уйга олиб келинган, илоҳий қудрат билан тирилади:

«Beýik Biribaryň gudraty bilen gojanyň tapan gurjagyna dil bitdipdir. Ol sekiniň üstünden böküp düşüpdür-de:

— Ýüregiňizde arman galmasyn. Men siziň perzendiňiz. Zada hor-zar etmen...» [2, 159-б.].

Қўғирчоқ қизнинг дастлабки нутқи унинг вазифасини белгилайди: у чол-кампирнинг фарзандга бўлган орзусини амалга оширади ва уларни муҳтожликда қолдирмасликка ваъда беради. Қаҳрамон оилага вақтинча кирган сеҳрли ёрдамчи эмас, балки тўлақонли фарзанд сифатида қабул қилинади.

Қиз ғайриоддий пайдо бўлган бўлса-да, фаровонликни сеҳр билан яратмайди:

«Gurjakgyz garyp öýe hem çaga, hem bagt bolup giripdir. Goja bazardan ýüň daşapdyr. Gyz haly dokapdyr. Kempir halyny bazarda satypdyr. Şeýdip, olaryň maşgalasy kem-kemden gurplanyp başlapdyr» [2, 160-б.].

Парчада меҳнат вазифалари оила аъзолари ўртасида тақсимланган. Чол жун олиб келади, қиз гилам тўқийди, кампир маҳсулотни бозорда сотади. Матндаги «kem-kemden» — «аста-секин» сўзи муҳим: фаровонлик бирданига пайдо бўлмайди, изчил меҳнат натижасида вужудга келади.

Шу нуқтаи назардан туркман эртагида мўъжиза меҳнатни бекор қилмайди. Мўъжизавий туғилиш оилага янги меҳнаткаш аъзо қўшади. Қаҳрамоннинг қадри ҳам унинг ғайриоддий келиб чиқишида эмас, ҳунари ва оила олдидаги масъулиятида намоён бўлади.

Қўғирчоқ қиз турмуш ўртоғини танлашда ҳам амалий фикр юритади. У номзодларнинг ташқи қиёфаси ёки бойлигидан кўра, оилада меҳнатнинг қандай ташкил этилишига эътибор беради. Дехқон йигит буғдойни тегирмон янчишини айтганда қиз:

«— Saňa baraýaryn», —

деб қарор қилади [2, 161-б.].

Ушбу лавҳа қаҳрамоннинг мустақил танлов қилиш қобилиятини кўрсатади. Қиз келажакдаги турмушини тасодиф ёки тайёр бойликка эмас, ишнинг оқилона ташкил этилишига боғлайди. Шу сабабли эртасида мўъжизавий қаҳрамон билан меҳнат одоби ўртасида зидлик йўқ.

Гилам тўқиш, жун ташиш, бозор, деҳқончилик ва тегирмон образлари туркман халқининг кундалик турмуши билан боғлиқ. Қўғирчоқнинг тирилиши умумий эртақ мўъжизаси бўлса, унинг гилам тўқувчи ва меҳнаткаш қизга айланиши миллий мазмунни шакллантиради.

Инглиз фольклорида «The Cauld Lad of Hilton» эртагидаги брауни инсон қўлидаги буюмдан пайдо бўлмайди. У уйда яшайдиган, одамлар билан бир маконни бўлишадиган афсонавий рухдир. Жозеф Жейкобс персонажни ярим одам, ярим ғаройиб мавжудот, учли қулоқли ва тукли танали образ сифатида тасвирлайди [3, 212–213-б.].

Брауни кечаси уй ишларини бажариши, ошхонани йиғиштириши ва хизматчилар меҳнатини енгиллаштириши мумкин. Бироқ унинг ёрдами муайян одатга амал қилинишига боғлиқ:

“If the servants laid out for it a bowl of cream, or a knuckle cake spread with honey, it would clear away things for them, and make everything tidy in the kitchen” [3, 213-б.].

Қаймоқ ва асалли кулча оддий иш ҳақи эмас. Улар уй руҳига билдирилган ҳурмат ва у билан сўзсиз келишув белгисидир. Хизматчилар таом қолдиради, брауни эса уй ишларини бажаради. Бир томоннинг ҳаракати иккинчи томоннинг жавобини келтириб чиқаради.

Браунига нисбатан белгиланган одат бузилганда у буюмларнинг жойини ўзгартириши ёки тартибсизлик келтириб чиқариши мумкин. Шу тариқа персонаж уй меҳнатида тартиб ва бетартибликнинг афсонавий сабабига айланади.

Унинг қўшиқсимон ноласида табиат ва инсон умрини қамраб олувчи узоқ вақт ифодаланади:

“The acorn’s not yet  
Fallen from the tree,  
That’s to grow the wood,  
That’s to make the cradle,  
That’s to rock the bairn,  
That’s to grow to the man,  
That’s to lay me” [3, 213-б.].

Дуб дарахти меваси, ёғоч, бешик, бола ва вояга етган инсоннинг изчил санаб ўтилиши браунининг қисматдан озод бўлиши бир неча авлод давом этадиган жараён эканини англатади.

Хизматчилар доно кампирнинг маслаҳати билан унга яшил плаш ва қалпоқ тайёрлайдилар. Брауни кийимларни олгач:

“I’ve taken your cloak, I’ve taken your hood;  
The Cauld Lad of Hilton will do no more good” [3, 214-б.], —  
деб уйни тарк этади.

Кийим бу ерда оддий мукофот эмас, балки браунини хизматдан озод қилувчи воситадир. Овқат билан кийимнинг вазифаси бир-бирига қарама-қарши: қаймоқ ва кулча уй руҳи билан муносабатни давом эттиради, плаш ва қалпоқ эса уни якунлайди.

Тадқиқотчи Вильям Ҳендерсон Шимолий Англия фольклорида брауни, боғл ва бошқа уй руҳлари ҳақидаги қарашларни қайд этиб, уларнинг инсон хонадони, тунги меҳнат ҳамда совға бериш одатлари билан боғлиқлигини кўрсатган [4, 246–253, 266–267-б.]. Жейкобс эртагининг асосида ана шу ҳудудий халқ тасаввурлари ётади.

Қиёсланаётган эртақларда моддий нарса ва мўъжиза муносабати уч хил шаклда намоён бўлади. Қорақалпоқ фольклоридаги «Қуйрық» эртагида ҳайвон танасининг бир қисми тирилиб, мустақил қаҳрамонга айланади. Туркман фольклоридаги «Gurjak guz» эртагида инсон ясаган қўғирчоқ тирик фарзанд мақомини олади. Инглиз фольклоридаги «The Cauld Lad of Hilton»да эса кийим тайёр мифологик мавжудотни яратмайди, балки унинг инсонлар билан алоқасини тугатади.

Моддий нарсаларнинг вазифасини қуйидагича белгилаш мумкин:

қорақалпоқ эртагида дум — қаҳрамон танаси ва ғайриоддий кучни сақловчи макон;

туркман эртагида қўғирчоқ — инсонга ва оила аъзосига айланадиган шакл;

инглиз эртагида плаш ва қалпоқ — уй руҳини хизматдан озод қиладиган совға.

Уч образнинг оилага муносабати ҳам фарқли. Қуйрық кампир хонадони учун ташқи дунёдан бойлик олиб келади. Қўғирчоқ қиз оиланинг ички аъзосига айланиб, меҳнат орқали фаровонлик яратади. Брауни эса уй ҳудудида яшаса-да, инсон оиласига қўшилмайди; унинг хизмати шартли ва вақтинчадир.

Шу сабабли жонланган буюмлар ва уй руҳларини бир хил «мўъжизавий ёрдамчи» номи остида умумлаштириш улар ўртасидаги муҳим фарқларни йўқотади. Уларни пайдо бўлиш усули, оилага яқинлиги, меҳнатдаги иштироки ва воқеа охиридаги тақдирига кўра ажратиш лозим.

Қорақалпоқ фольклорида «Қуйрық» эртагида дарё, чорва, тулки, бўри, йўлбарс ва бой хонадони каби деталлар устунлик қилади. Мўъжизавий қаҳрамоннинг ҳаракати саҳро ва чорвачилик муҳити билан боғланган.

Туркман фольклори эртагидаги «Gurjak guz» эртагида гилам тўқиш, жун, бозор, деҳқончилик ва тегирмон образлари марказий ўрин тутатади. Мўъжиза оилавий меҳнат тизимига қўшилиб, ҳунармандчилик ва рўзгор маданияти билан уйғунлашади.

Инглиз фольклори эртагида эса асосий макон катта хонадон ва ошхонадир. Қаймоқ, асалли кулча, плаш ва қалпоқ инсон билан уй руҳи муносабатини белгилайди. Ғайриоддийлик ташқи саргузаштда эмас, кундалик маиший макон ичида намоён бўлади.

Демак, уч халқда жонсиз нарса ёки уй руҳига оид умумий мўъжизавий тасаввур миллий хўжалик, меҳнат ва оилавий муносабатлар асосида қайта ишланган.

Таҳлил қилинган эртақлар мўъжизавий образларнинг оила ва меҳнатга муносабати бир хил эмаслигини кўрсатди. «Қуйрық»да жонланган тана бўлаги ташқи кучларни бошқариб, камбағал хонадонга бойлик олиб келади. «Gurjak guz»да қўғирчоқ фарзандга айланиб, оила фаровонлигини изчил меҳнат билан яратади. «The Cauld Lad of Hilton»да уй руҳи инсонлар меҳнатини енгиллаштиради, аммо у билан муносабат озиқ-овқат ва совғага оид анъанавий қоидалар асосида тартибга солинади.

Қорақалпоқ эртагида мўъжиза ижтимоий тенгсизликни фантастик усулда ўзгартиришга, туркман эртагида фарзанд ва меҳнат қадрини бирлаштиришга, инглиз эртагида эса уй тартиби ва ўзаро муносабат чегараларини белгилашга хизмат қилади. Бинобарин, жонланган буюмлар ҳамда уй руҳлари эртақда иккинчи даражали ғаройиб образлар эмас, балки оила, меҳнат, фаровонлик ва ўзаро мажбурият ҳақидаги миллий қарашларни ифодаловчи мустақил поэтик турлардир.

**Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Қарақалпақ фольклоры. 72-том: Балалар ертеклери. Нөкис: Илим, 2014, 397–398-б.
2. Ş.Geldiýewa, ред., *Türkmen halk ertekileri: Jadyly ertekiler*. Aşgabat: Miras, 2006, 159–161-б.
3. J.Jacobs, *English Fairy Tales*. London, UK: David Nutt, 1890, pp. 212–214.
4. W. Henderson, *Notes on the Folk-Lore of the Northern Counties of England and the Borders*, 2nd ed. London, UK: The Folk-Lore Society, 1879, pp. 246–253, 266–267.